



## ДАРС ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛАГА ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

**М.М.Ахмедов**

**И.И.Каримов**

*ФарДУ Технологик таълим кафедраси доцентлари,*

**С.М.Рўзиматова**

*Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси.*


**Аннотация:** *Мақолада дарс жараёнида инновацион ёндашув муносабатларини амалга оширишнинг омиллари ўрганилган. Шунингдек, дарс жараёнида инновацион ёндашув муносабатларни амалга оширишда ўқувчидан ҳар тамонлама билимларни эгаллаши, кўникмаларни шакллантириши ва малакалар ҳосил бўлиш жараёнида пайдо бўлган янгиликларни кундалик фаолиятда қўллай олишдек компетенцияларни ривожлантириш учун фан ўқитувчиси тамонидан мавзуларнинг мураккаблик даражаси аниқлаш омиллари ўрганилган.*

**Калит сўз:** *Таълим тизими, инновацион ёндашув, инновацион муносабат, инновацион таълим ва тарбия, инновацион омил, интенсив омил, экстенсив омил, ривожланиш босқичлари.*

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишда ёш авлодга чуқур, пухта билим берадиган, фикрлаш доираси кенг, касбий кўникмаларга эга бўлган, янгиликларни яратиш, излаш, қўллашга чанқок, ўқувчини мустақил фикр юритишга ўргата оладиган, инновацион фаолият юрита оладиган, юқори малакали педагог ходимларни тайёрлаш асосий вазифа қилиб белгиланган/1, 2/.

Ушбу дастурни амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири - бу таълим тизимини тузилиши ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технология, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади. Аммо илғор педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимига кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг янгиликка интилиши, мотивациясига боғлиқ жараён/3-6/.

Таълим тизимида асосий фаолият таълим - тарбия жараёни бўлиб, унинг марказида муаян субъект - ўқувчи шахсини гармоник ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Бунда ўқувчига ҳар тамонлама билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва компетенцияларни ҳосил қилиш учун ҳар тамонлама билиши, таълим тизимга инновацион ёндашув муносабатларини ўрнатишдан иборат. Инновацион муносабатни ўқув жараёнига тадбиқ этишда





**қуйи, ўрта ва юқори** босқичдаги ёндашувлардан ўринли ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга/7,8/.

Шуни таъкидлаш керакки, таълим муассасасида ўқитувчи ихтиёрий дарс мавзусини баён қилишда қуйи, ўрта ва юқори босқичдаги ёндашувлардан бирини танлай билиши долзарб муаммодир.

Мазкур муаммони бартараф этишда баён этилиши лозим бўлган мавзунинг мураккаблик даражасини аниқлаш ва унга мос босқичдаги ёндашув даражасини аниқлаш керак.

Бунинг учун эса, таълим тизимида инновацион янгиликларни киритиш, ўқув-тарбия жараёнини сифати ва самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, барча синфлар кесимида осон, ўртача ва юқори мураккабликдаги мавзулар мавжуд. Ўқитувчининг вазифаси мавзуларнинг мураккаблик даражасини аниқлайди ва босқичга алоқадор ёндашувларни мавзу баён этишда тадбиқ қилади.


Таълим тизимида ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги муносабатлар баробар бўлса, ўзлаштириш 50% ўқитувчига, 50% ўқувчига тўғри келади. Натижада самарадорлик маълум даражада паст кўрсаткичли ташкил этади. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг фаолияти сусайса, ўқувчининг билим даражаси эса пасайиб бораверади.

Маълумки, анъанавий ўқитиш методларидан фойдаланилганда фойдали коэффициентлари 60% дан ошмайди. Фойдали иш коэффициентининг фойиз кўрсаткичини ошириш учун узликсиз илмий изланишлар, янгиликлар, ихтиролар, янгидан янги ноанъанавий, интерфаол ва замонавий ахборот технологияларини таълим тизимида тадбиқ этиш керак бўлади.

Маълумки, таълим тизимини фаолиятини бирдан ўзгартириб юбориш мумкин эмас. Чунки, таълим тизимини бир неча жараёнлар бўйича ўзгартириш мувоффақиятсизликларга олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай фан янгиликларини амалиётга тадбиқ этишда танқидий ва инновацион ёндашув зарур. Фан оламига ўйламай киритилган ўзгартиришлар таълим тизимини такомиллаштиришга эмас, балки қутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам анъанавий педагогика асосида янги - инновацион таълим педагогика жараёнига кириб келди. Бу эса таълим тизимини такомиллаштиришнинг инновацион муносабатини шаклланиши, интенсив ва экстенсив омилларни вижудга келишига олиб келди.

Интенсив омил таълим муассасасининг ички резервга суянади. Яни ўз кадрлари маҳоратига, ўқувчиларнинг фаоллигига, таълим муассасаси ўқув-моддий базасига, янги технологиялар қўллаш, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини янада яхшилашга ҳаракат қилади.

Экстенсив омиллар эса ғарб давлатларида ривожланмоқда. Экстенсив йўл педагогик тизимини ривожлантиришнинг қўшимча кучлари (инвестиция) - янги воситалар, жиҳозлар, технологиялар, капитал таъминот, молиялаштириш





асосида амалга оширилади. Улар янги инфармацион технологиялар қўллаш, турли ўқув фаолиятларига вақтни ортиқча сарфлаш, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштиришни афзал кўрмоқдалар. Шу асосда таълим маҳсулдорлиги ва сифат самарадорлигини оширишни кўзда тутмоқдалар.

Таълим тизимини такомиллаштириш доим педагогик жараёни самарадорлигини оширади. Таълимдаги сифат ва самарадорликни ошириш фақат таълим тизимини такомиллаштириш билан боғланади. Демак, фақатгина инновацион жараёнларни таълим тизимига боғлаш ёки киритиш орқалигина таълимда юқори даражаларга эришиш мумкин. Бунда янгиликларни секинлик билан, босқичма-босқич киритиш, уни қанчалик фойда келтиришини атрофлича ўйлаб, амалга киритиш мақсадга мувофиқдир.


Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёш авлодга чуқур, пухта билим берадиган, фикрлаш доираси кенг, касбий кўникмаларга эга бўлган, янгиликларни яратиш, излаш, қўллашга чанқок, ўқувчини мустақил фикр юритишга ўргата оладиган, инновацион фаолият юрита оладиган, юқори малакали педагог ходимларни тайёрлаш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Хулоса шуки, дарс жараёнида инновацион ёндашув муносабатларни амалга оширишда ўқувчидан ҳар тамонлама билимларни эгаллаш, кўникмаларни шакллантириш ва малакалар ҳосил бўлиш жараёнида пайдо бўлган янгиликларни кундалик фаолиятда қўллаш олишдек компетенцияларни ривожлантириш учун фан ўқитувчиси тамонидан мавзуларнинг мураккаблик даражаси аниқланади ва унга мос қўйи, ўрта ва юқори мураккабликдаги омиллардан (таълим технологияларидан) бирини танлайди. Шу каби мутаносиблик асосида дарс жараёни ташкил этилса, таълим тизимида инновацион ёндашув муносабатлари шаклланади, натижада таълим-тарбия жараёни самарадорлиги ва ўқувчилар билими янада юқори даражага кўтарилиши таъминланади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент:Шарқ нашриёт-матбаа концерни.1997.

2. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова, С.М.Рўзиматова. //Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизминини такомиллаштириш механизминини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари. //Международный научный журнал. ORIENTAL RENAISSANCE: Innoralirc, ceducational, natural andsocial scinces.Volume 2 ISSUE 8. August 2022. стр.336-342 ISSN 2181-1784





3. М.М.Ахмедов, З.Тешабоев, Г.Хожикаримова. //Таълим тизимида ислохатлар// Международный научный журнал “Грааль науки” № 4 (Травень, 9 апрель 2021) Венеция, Италия С.475-477

4. З.А.Тешабоев “Мавзуинг инновацион ишланмаси” таълим сифати ва самарадорлигининг муҳим омили. Ўқув қўлланма./ФВПҲҚТМОҲ маркази. 2022 йил 7 апрель 9-сонли баённома. //(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги “Интеллектуал мулк консултатив марказ”нинг 22 йил 17 майдаги № 0047887 рақамли гувоҳномаси билан муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида руйхатга олинган).

5. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х, СайфуровД.М., Тўраев А.Б //Инновацион таълим технологиялари//.-Тошкент. “Сано стандарт” нашрети 215. -150 б.

6. М.М.Ахмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова. //Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш.//Международный научный журнал «Вестник науки» опубликована № 11 (44). Г.Тольятти от 7 ноября 2021 г.

7. М.М.Ахмедов, А.М.Худойбердиев, С.М.Рўзиматова. //Ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва замонавий ёндашувлар// Ўқув қўлланма.- Фарғона. "Poligraf Super Servis" МЧЖ. 2020й. – 156 бет.


8. З. М.Ахмедов, З.Тешабоев, Г.Хожикаримова //He had an innovative character in the teaching process «Distance education» is an innovative course format// Международная конференция. Multidisziplinare forschung: perspektiven, problem und muste. 9. April 2021.Wien, Reepublik Osterreich.17-21стр

9. М.Ахмедов, З.Тешабоев //Forming the competence of management activities in the course of teaching teachers// Трансформація суспільних наук: соціально-економічний, лінгвістичний, політичний та it-виміри.Матеріали ii міжнародної наукової конференції.Харків, Україна 51-54-стр. ISBN 978-617-7991-88-4 DOI 10.36074/mcnd-22.10.2021

10. М.Ахмедов, З.Тешабоев //Ўқитувчиларнинг дарс жараёнида бошқарув фаолияти компетентлигини шакллантириш// Андижон вилояти ХТҲҚТМОҲМ. “Умумий ўта таълим мактабларининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг илмий – методик ҳужжатлари: халқаро тажрибалар” мавзусидаги республика ОНЛАЙН илмий-амалий анжумани Андижон шаҳри. 2021 йил 15 октябрь 4 бет

11. М.Ахмедов, З.Тешабоев //Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг бошқарув фаолияти ривожлантиришда замонавий ёндашувлар// Халқаро илмий – амалий конференция. “Янги Ўзбекистонда халқ таълими ҳодимлари малакасини оширишда замонавий ёндашувлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти. 2021 йил 28 октябрь

12. М.Ахмедов, З.Тешабоев “Ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва инновацион ёндашувлар” ФВХТҲҚТМОҲМ. Услубий қўлланма. 2021 йил 25 октябрдаги 7-сонли баённомаси.





13. М.Ахмедов, З.Тешабоев “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида инновацион характерга эга бўлган “Мавзу ишланмаси” тайёрлаш ФарДУ ILMIIY XABARLAR. № 2 2022 йил 36-39 бетлар. Фарғона ш.

14. М.Ахмедов, З.Тешабоев, Г.Хожикаримова //Технология фани ўқитучиларининг технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш// “Муаллим ҳем узулуксиз билимлендирў” ОАК эътироф этган илмий-методикалийқ журнал № 2/1 - 2022 жыл, 116-119 бетлар. Нукус шаҳри.

15. М.Ахмедов, G. Butayeva, Г.Хожикаримова //Didactic features of the method of preparation of "Innovative development of the topic" based on the principle of "Lifelong learning" in the organization and improvement of management activities of technological educational processes//

16. М.Ахмедов, З.Тешабоев, Г.Хожикаримова //Education system - integrated process// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022 4211-4214

17. М.Ахмедов, Г.Хожикаримова, Р.Бойбобоев, Г.Сафарова //Supporting innovative approaches in the education system// ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal Vol 11, Issue1, Janury 2021, Indiya

18. Ахмедов М., Солижонов И. Носиров Н. Инновацион таълим муҳитини шакллантиришда компетенцияларнинг аҳамияти. World social science. Scientific - practical journal. Москва. 3. 2018 г.

19. М.Ахмедов, Б.Разоқов, Х.Рахматуллаева, Н.Шерматова //Pedagogical skill is the product of the individual characteristics of the teacher// NOVATUR PUBLICATIONS Journal LNX A Multidiskiplinary Peer Reviewed Journal. ISSUE 82 Vol. 7 Issue 2 February 2021

20. М.Ахмедов, Г.Хожикаримова, Г.Сафарова //Fundamentals Of Development Of Creative Abilities Of Students In Professional Training// The american journal of applied sciences SJIF-5.634 DOI-10.37547/tajas.Vol. 3 Issue 01, 2021

21. М.Ахмедов, Г.Хожикаримова, Г.Сафарова //The Concept Of "Creative", Its Importance In Education// International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR)

22. М.Ахмедов, Г.Хожикаримова //Ўқитишнинг сифати ва таълим-тарбия самарадорлигини оширишда инновацион характерга эга бўлган инновацион дарс шаклларида фойдаланиш// Society and innovations/ Vol. I, Lssue-2(2021) ISSN 2181-1415

23. М.Ахмедов, G.Khojkarimova, Z. Teshaboyev //Education system - integrated process// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022 4211-4214

